

# **ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 10**

Қоракүл тумани

2022 йил “12” сентябрь

“ILXOM OBID GOLD” MCHJ (ташкilot, корхона номи) номидан низом асосида иш юритувчи Ш.Умаров, бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Бухоро давлат университети Қоракүл академик лицей номидан низом асосида иш юритувчи F.Жумақулов, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

## **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Аутсорсинг З маҳал сифатли овкатлантириш хизмат курсатиш (кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади) хизмат кўрсатиш, “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.3. “Хизматлар”ни кўрсатиш муддати 2022 йил “12” сентябрдан 2022 йил “31” декабргача амалга оширилади.

## **II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҶУҚУЛARI ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуҷуқулари:**

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилган такдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” шунга ўхшаш “Хизматлар” билан алмаштирилишини;

- “Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

### **2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### **2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуҷуқуларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

### **2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Газначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш:

2.4.2. “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниqlанган барча

камчиликларни 15 кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари хисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз микдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.

### **III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 563 500 000 сўмни, шундан бюджет маблаглари хисобидан 312 000 000 сўмни ва бюджетдан ташкири маблаглар хисобидан 251 500 000 сўмни ташкил этади.

Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми шартномада курсатилган суммасининг ойлар кесимида 30 фоизи микдорида 2022 йилнинг хар ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи микдорида 2022 йилнинг хар ойида якуний тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.

### **IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб хужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнida амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишида "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечикирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар"

қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланishiдан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида маҳсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган заар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлиdir.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишида 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгib бўлмас куч таъсирида заар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридағи ҳолатларни келтириш хуқуқидан маҳрум қиласиди.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишида хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган заарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

### **XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

8.3. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.4. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро хужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро хужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.5. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усууллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

8.6. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қиласа, иккинчи Томонни ёзма равища хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузиши содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.7. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.8. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.9. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.10. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.11. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, ҳабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## **IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

9.1. Ушбу шартнома томонлар 2022 йил 12 сентябрдан 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## **X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет Кодекси»нинг 122-моддасихамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандигаасосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда рўйхатта олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

10.2. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.3. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишида тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.5. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## **XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ**

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

**“ILXOM OBID GOLD” MCHJ**  
(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилояти Коракул туман

Тел./факс +998 99 385 45 66

х/в 20 208 000 205 267 541 001

Банк номи Коракул Миллий банк

МФО 00910

ОКОНХ:  
СТИР: 307 648 761

Рахбар

Ш.Умаров



Бухоро давлат университети Қоракўл академик лицейи  
(бюджетдан маблаг олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Коракул ш Саодат куча № 01

Тел./факс 56 51 989

ш/х\* 100010860062307092500079001

ш/х\* 400810860062307092500079001

бюджетдан маблаг олувчи СТИР 200 878 254

ОКОНХ 92120

Газначилик бўлинмаси номи: Узбекистон Республикаси  
Молия Вазирлиги Газначилиги

Фазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919

Рахбар \_\_\_\_\_ Ф.Х.Жумакулов  
(лавозим) (Ф.И.Ш)



Хуқуқиунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: 10k №00 6113 2020 йил 16 маёри

Спецификация № 3  
2022 йил 12 сентябрдаги № 10 сонли шартномага

Ой	Аутсорсинг хизмати (умумий овқатлантириш) сони	Хизмат нархи	Жами
Сентябр	1	161 000 000	161 000 000
Октябр	1	101 000 000	101 000 000
Ноябр	1	50 000 000	50 000 000
Жами		312 000 000	312 000 000

Бухоро давлат университети Қоракўл академик  
лицейи

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Коракул ш Саодат куч№01

Тел./факс 56 51 989

ш/х\* 100010860062307092500079001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи200878254

ОКОНХ 92120

Газначилик бўлинмаси номи: Узбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент  
ш.

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар \_\_\_\_\_ F.X. Жумакулов  
(лавозим) (Ф.И.Ш)



“ILXOM OBID GOLD” MCHJ  
(Товар етказиб берувчи ёки хизмат  
кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилояти Коракул туман

Тел./факс

+998 99 385 45 66

х/в 20 208 000 205 267 541 001


Банк номи Коракул Миллий банк

МФО 00910

ОКОНХ:

СТИР: 307 648 761

Рахбар \_\_\_\_\_ Ш.Умаров



Спецификация № 4  
2022 йил 12 сентябрдаги № 10 сонли шартномага

<b>Ой</b>	<b>Аутсорсинг хизмати (умумий овқатлантириш) сони</b>	<b>Хизмат нархи</b>	<b>Жами</b>
Сентябр	1	83 500 000	83 500 000
Октябр	1	56 000 000	56 000 000
Ноябр	1	56 000 000	56 000 000
Декабр	1	56 000 000	56 000 000
	<b>Жами</b>	<b>251 500 000</b>	<b>251 500 000</b>

Бухоро давлат университети Қоракўл академик  
лицеи  
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)  
Манзил: Коракул ш Саодат куч№01  
Тел./факс 56 51 989  
ш/х\* 400810860062307092500079001  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи200878254  
ОКОНХ 92120  
Газначилик бўлинмаси номи: Узбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги  
Фазна х/в: 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент  
ш.  
МФО: 00014  
Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919  
Рахбар \_\_\_\_\_ F.X. Жумакулов  
(лавозим) (Ф.И.Ш)



“ILXOM OBID GOLD” MCHJ  
(Товар етказиб берувчи ёки хизмат  
кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилояти Коракул туман  
Тел./факс  
+998 99 385 45 66  
x/в 20 208 000 205 267 541 001  
Банк номи Коракул Миллий банк  
МФО 00910  
ОКОНХ:  
СТИР: 307 648 761  
Рахбар  Ш.Умаров





Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими  
бюджетларининг газна ижроси қоидаларига  
8-ИЛОВА

12.09.2022 даги

**ILXOM OBID GOLD MCHJ ва Бухоро давлат университети академик лицейи ўртасида 312 000 000,00 сўм  
умумий суммага тузилган 10 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий газна ҳисобварак

079

100010860062307092500079001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252300			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	161 000 000,00			161 000 000,00
Октябрь	101 000 000,00			101 000 000,00
Ноябрь	50 000 000,00			50 000 000,00
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>312 000 000,00</b>			<b>312 000 000,00</b>

Жами 312 000 000,00 сўм

Уч юз ўн икки миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 30 % жорий ойнинг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда туттилган ҳар ой доимий равиша товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

Жумакулов Фолибон Ҳасанович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Газначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

(имзо)

Тураев Райим Ҳожикулович

Ф.И.Ш.



12.09.2022 даги

ILXOM OVID GOLD MCHJ ва Бухоро давлат университети академик лицейи ўртасида 251 500 000,00 сўм умумий  
суммага тузилган 10 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий газна ҳисобварак

079

400810860062307092500079001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252300			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	83 500 000,00			83 500 000,00
Октябрь	56 000 000,00			56 000 000,00
Ноябрь	56 000 000,00			56 000 000,00
Декабрь	56 000 000,00			56 000 000,00
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>251 500 000,00</b>			<b>251 500 000,00</b>

Жами 251 500 000,00 сўм

Икки юз эллик бир миллион беш юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига 30 % жорий ойнинг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун хужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.У.

Буюртмачи бош бухгалтери

Жумақулов Фолибжон Ҳасанович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Тураев Райим Ҳожикулович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.